



(HAMUHA)

## **Постмолиялаштиришни амалга ошириш ҳамда кейинчалик аккредитив бўйича қарздорлик суммасига кредит тақдим этиш имконияти билан қопланмаган тасдиқланган аккредитивларни очишга**

АЖ “InFinBank”

Ba

## Ўртасидаги

## **№\_\_\_\_\_ -сонли БОШ КЕЛИШУВ**

Қуида «Банк» деб аталувчи АЖ «InFinBank», \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ шахсида, бир томондан, ва қуида «Буйруқ берувчи» деб аталувчи \_\_\_\_\_ Устав асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ шахсида, бошқа томондан, биргаликда “Томонлар” ва алоҳида “Томон” деб юритилувчилар мазкур Баш келишувни, матн бўйича кейинги ўринларда “Келишув”, қуидагилар ҳақида туздилар:

## 1. КЕЛИШУВ ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк мазкур Келишув шартларида кредит линиясини очади ва мазкур Келишувда белгиланган лимит доирасида Буйруқ берувчига, постмолиялаштиришни амалга ошириш ва кейинчалик аккредитивлар бўйича қарздорлик суммасига кредит тақдим этиш имконияти билан, қопланмаган тасдиқланган аккредитивларни очади. Мазкур Келишув доирасида очиладиган ҳар бир алоҳида аккредитив шартлари мазкур Келишувга 2-Иловага мувофиқ Аккредитивга хизмат кўрсатиш бўйича индивидуал Шартнома билан белгиланади, улар мазкур Келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 2. КЕЛИШУВ СУММАСИ

2.1. Банк мазкур Келишув шартларида \_\_\_\_\_ АҚШ долларидан ошмайдиган миқдорда аккредитивлар очишга кредит линиясини очади. Аккредитивлар кредит линияси лимитига эквивалент тарзда тақдим этиладиган умумий суммага АҚШ долларида очилиши мумкин.

## 3. ФОИЗЛАР ВА КОМИССИЯЛАР.

3.1. Таваккалчилик учун воситачилик ҳақи бутун кредит линияси муддати учун кредит линияси суммасининг \_\_\_\_\_ % ни ташкил қиласи. Таваккалчилик учун воситачилик ҳақи мазкур Келишув тузилган санадан бошлаб \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) банк куни ичида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов санасига белгиланган тегишли курс бўйича миллий валюта – ўзбек Сўмида тўланади.

3.2. Таваккалчилик учун мукофот пули йиллик \_\_\_\_\_ % ни ташкил қиласи, у Баш келишув доирасида очиладиган (йиллик базавий давр – 360 кун) аккредитивлар бўйича мажбуриятлар суммасига, аккредитив очилган кундан бошлаб қайси сана олдинроқ келишига қараб аккредитив бўйича аккредитив валютасида қопланиш таъминланадиган санагача ёки аккредитив бўйича якуний тўлов санасигача (постмолиялаштириш муддати якунланадиган сана) ҳисоблаб ёзилади, ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов санасига белгиланган тегишли курс бўйича миллий валюта – ўзбек Сўмида тўланади.

3.3. Мазкур Келишув доирасида очиладиган аккредитивлар бўйича воситачилик ҳақи томонлар ўртасида тегишли тартибида тузиладиган Аккредитивларга хизмат кўрсатиш бўйича алоҳида индивидуал шартномалар доирасида белгиланади.

3.4. Воситачилик ҳақини тўлаш мазкур Келишувнинг 7.1-бандига мувофиқ аккредитивларга хизмат кўрсатишни батафсил тартибга солиш бўйича алоҳида тузиладиган Аккредитивларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги якка тартибдаги шартномалар шартларига мувофиқ амалга оширилади.

## 4. КРЕДИТ ЛИНИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

4.1. Аккредитивлар кредит линияси доирасида Буйруқ берувчининг аккредитив очишга мазкур Келишувга 1-Иловада белгиланган шаклда берган ёзма аризаси асосида тақдим этилади, унинг асл нусхаси Банкка аккредитив очилиши мўлжалланаётган санагача тақдим этилиши керак.

4.2. Ҳар бир аккредитивга аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисида алоҳида якка тартибда шартнома тузилади, у мазкур Келишувнинг ажralmas қисмига айланади.

4.3. Кредит линияси маблағларидан фойдаланиш ишлари мазкур шартнома валютасида амалга оширилиши керак. Йиғиндиси олдинги танловлар билан мазкур Келишувнинг 2.1-бандинга мувофиқ кўзда тутилган миқдордаги умумий суммани ташкил қиласидиган танлов охирги танлов ҳисобланади.

4.4. Кредит линиясининг муддати – мазкур Келишув тузилган санадан 12 ой.

4.5. Мазкур Келишув доирасида очиладиган аккредитивлар муддати, \_\_\_\_ ойгача узайтириш имконияти билан Бош келишув тузилган санадан бошлаб \_\_\_\_ ойгача. Буйруқ берувчининг аккредитив амалиётлари бўйича барча мажбуриятлари Аккредитивларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги алоҳида тузиладиган якка тартибдаги шартномалар шартларига мувофиқ сўндирилади.

## 5. ТАЪМИНОТ

5.1. Буйруқ берувчи мазкур Келишув бўйича ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажаришни таъминлаш мақсадида Банкка кредит линияси бўйича маблағлар қайтарилишининг таъминоти сифатида \_\_\_\_\_ ни (қуида - «Таъминот») тақдим этади, хусусан:

5.1.1. \_\_\_\_\_

5.2. Агар Буйруқ берувчи аккредитивлар бўйича мажбуриятларни мутаносиб миқдорда ва Аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги якка тартибдаги шартномада кўзда тутилайдиган муддатларда 30 кун давомида қопламайдиган вазият юзага келса, Банк ундирувни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормаларига мувофиқ мазкур Келишувнинг 5.1-бандида кўзда тутилган таъминотига қаратиши мумкин.

5.3. Буйруқ берувчи қуийдаги мажбуриятларга эга:

- гаров предметининг ҳақиқийлигини таъминлаш учун зарур бўладиган ҳаракатларни амалга ошириш;
- гаров предметининг ён берилишини амалга оширмаслик;
- гаров предметининг тўхтатилишига ёки унинг қиймати камайишига олиб келувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик;
- гаров предметини учинчи шахсларнинг тажовузидан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чораларни кўриш;
- Банкка гаров предметида юз берган ўзгаришлар, унинг учинчи шахслар томонидан бузилишилари ва учинчи шахсларнинг ушбу ҳуқуққа дъявлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилиш.

5.4. Банкнинг таъминот бўйича ҳуқуқлари:

• Агар Буйруқ берувчи мазкур Келишувнинг 5.3-бандида кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаса, Банк гаров билан таъминланган мажбурият муддати келишидан қатъи назар мазкур Келишувнинг 5.1-бандида кўрсатилган мулкни талаб қилиб олишга ҳақли.

• Банк ўзининг мазкур Келишув бўйича талабларини, шу жумладан фоизларни, бажариш муддатининг ўтиб кетиши туфайли етказилган заарларни ҳамда мазкур Келишувда кўзда тутилган неустойкани гаровга қўйилган талаб ҳуқуқи ҳисобидан ҳақиқий қондириш пайтига белгиланадиган тўлиқ ҳажмда қондиришга ҳақли.

5.5. Буйруқ берувчи воситачилик ҳақи ёки аккредитив бўйича асосий суммаларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганида ёки тегишли тарзда мазкур Келишувда ёки Аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисида якка тартибда тузилган шартномада кўзда тутилган муддатларда бажармаганида, Банк ундирувни таъминотга қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

5.6. Буйруқ берувчи томонидан Банкка тўланиши керак бўлган асосий сумма ва аккредитив бўйича воситачилик ҳақини тўлаш мажбуриятлари бажарилмаганида/ўз вақтида бажарилмаганида, Банк Буйруқ берувчининг ҳар қандай ҳисобрақамидан пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлади.

5.7. Буйруқ берувчининг маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқариш Буйруқ берувчининг

хисоб варагига қонунда белгиланган тартибда акцептсиз тўлов талабномасини қўйиш йўли билан амалга оширилади.

5.8. Буйруқ берувчи/гаровга қўювчи ташаббуси билан гаров таъминоти алмаштирилган тақдирда, Буйруқ берувчи Банк олдиаги мажбуриятлари қолдифининг 1% миқдорида воситачилик ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

## 6. СЎНДИРИШ

6.1. Аккредитив бўйича мажбуриятларни сўндириш мутаносиб миқдорда ва Аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги якка тартибдаги шартномада кўзда тутиладиган муддатларда ҳар бир ҳолатда алоҳида амалга оширилади.

6.2. Буйруқ берувчи Банкни 5 (беш) банк куни олдин хабардор қилган ҳолда, исталган пайтда исталган санада аккредитив бўйича мажбуриятларни сўндириш бўйича муддатидан олдин тўловни амалга ошириш ҳукуқига эга, бунда муддатидан олдин амалга оширилган тўлов Буйруқ берувчи томонидан аккредитив бўйича ҳисоблаб ёзилган ҳар қандай воситачилик ҳақи сўндирилганидан кейин Банк томонидан қабул қилинади.

## 7. ТЎЛОВЛАР

7.1. Мазкур Келишув бўйича тақдим этилган аккредитив бўйича мажбуриятларни (аккредитив бўйича тўланган суммалар) сўндириш ишлари АҚШ долларида амалга оширилиши керак, аккредитивга хизмат кўрсатишида иштирок этадиган чет эл банкларининг воситачилик ҳақлари АҚШ долларида тўланади, Буйруқ берувчининг валюта ҳисобрақамида валюта маблағлари – АҚШ доллари мавжуд бўлмаган тақдирда, аккредитивга хизмат кўрсатишида қатнашадиган чет эл банкларининг воситачилик ҳақлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов санасидаги курси бўйича тўланади. Мазкур Келишув бўйича Банк воситачилик ҳақи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов санасидаги курси бўйича миллый валютада тўланади.

## 8. МУДДАТНИ ЎТКАЗИБ ЮБОРГАНЛИК УЧУН ФОИЗЛАР

8.1. Агар Буйруқ берувчи бирор-бир сабабга кўра Аккредитивга хизмат кўрсатиш шартномасининг шартлари бўйича тўланиши керак бўлган исталган суммани тўлай олмаса, унда Банк неустойка қўллаш ҳукуқига эга бўлиб, улар Аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги якка тартибдаги шартларида ҳам тилга олинади.

## 9. КРЕДИТЛАШ ШАРТЛАРИ

9.1. Мазкур Бош келишув доирасида очиладиган аккредитивлар муддати тугаганидан кейин Буйруқ берувчининг аккредитивлар бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганида, кредит линияси муддати тугагунича бўлган муддатга, АҚШ долларида сўндириш шарти билан, ҳосил бўлган қарздорлик суммасига қўйидаги шартларда кредит берилади:

- а) Фоиз ставкаси - муддатли қарздорлик бўйича йиллик \_\_\_ %;  
- муддати ўтган қарздорлик бўйича йиллик \_\_\_ %.

б) Асосий қарзни узиш – Ҳар ойда, ҳар \_\_\_ санада, тенг улушлар билан, молиялаштириш очилганидан сўнг кейинги ойдан бошлаб.

в) Фоизларни узиш – ҳар ойда, ҳар \_\_\_ санада.

9.2. Кредитни бериш ишлари мазкур Бош келишув доирасида тузиладиган якка тартибдаги кредит шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

## 10. ТЎХТАТИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ

10.1. Кредит линиясидан фойдаланиш муддати давомида Банк Байруқ берувчининг манзилига расмий хабарнома юбориш йўли билан Байруқ берувчининг кредит линиясидан фойдаланиши давом эттириш бўйича хукуқларини қўйидаги ҳолларда тўхтатиш ёки уларни бекор қилиши мумкин:

- агар мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юз берган бўлса ёки бу давом этаётган бўлса ёки мажбуриятларни бажармаслик эҳтимоли мавжуд бўлса ёки, Банкнинг фикрича, Байруқ берувчи томонидан ўзининг мазкур Келишув бўйича мажбуриятларини бажармаслик ҳолати юзага келиши хавфи мавжуд бўлса;

- агар ҳолатлар ўзгариши юз берган бўлиб, ушбу ўзгаришлар, Банкнинг фикрича, Байруқ берувчининг мазкур Келишув бўйича ҳар қандай мажбуриятни бажариш қобилиятини имконсиз қиласиган бўлса.

10.2. Бундай хабарнома юборилганидан кейин Байруқ берувчининг кейинги фойдаланиш бўйича хукуклари 9.1-бандга мувофиқ тўхтатилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

10.3. Мазкур шартноманинг 9.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганида, Байруқ берувчининг кредит линиясидан эркин фойдаланишга бўлган хукуқи тикланади.

## 11. КРЕДИТ ЛИНИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ШАРТЛАР

11.1. Байруқ берувчининг кредит линиясидан фойдаланишга бўлган хукуклари қўйидаги шартлар тегишли тарзда бажарилганида кучга киради:

- Банк билан мазкур Келишувда кўзда тутилмаган аккредитивни тақдим этишини батафсил тартибга солиш бўйича мазкур Келишувга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича Аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги якка тартибдаги шартнома тузилади (ҳар бир ҳолатда алоҳида);

11.2. Банк Байруқ берувчи томонидан қўйидаги шартларга амал қилинганида кредит линияси бўйича аккредитив тақдим этиш мажбуриятини олади:

- Байруқ берувчининг кредит линияси доирасида аккредитив очиш ҳақидаги сўрови санасига ва шундай очилиш амалга оширилган санага мажбуриятларни бажармаслик бўйича бирор-бир ҳолат юз бермаган бўлса ва юз бермаётган бўлса ҳамда, Банкнинг фикрича, мажбуриятларни бажармаслик хавфи мавжуд бўлмаса;

- Аккредитивни очиш натижасида, Байруқ берувчи ўз Устави ёки ҳар қандай келишувда мавжуд бўлган бошқа локал хужжат (Байруқ берувчи унда томон бўлса (шу жумладан мазкур Келишув) ёки Байруқ берувчи у билан боғланган бўлса) ёки Байруқ берувчига нисбатан қўлланадиган бошқа ҳар қандай амалдаги норматив-хукукий хужжат билан зиддиятга киришмаслиги зарур.

## 12. МАХСУС МАЖБУРИЯТЛАР

12.1. Байруқ берувчи ўз фаолиятини:

- тегишли тиришқоқлик ва самарадорлик билан;
- Байруқ берувчининг мазкур Келишувдан келиб чиқадиган барча мажбуриятларини бажариш қобилиятини таъминлаш учун инжиниринг ютуқлари, молиявий ва ишбилармонлик амалиёти, шу жумладан Банкни қондирувчи усулларга мувофиқ;

- Байруқ берувчининг Директори томонидан тасдиқланган бизнес-режага мувофиқ, шу жумладан унга нисбатан қўлланиладиган қонунлар ва қоидаларга мувофиқ, аммо улар билан чекланмасдан, амалга оширади.

12.2. Байруқ берувчи қўйидагиларни бажариши шарт:

- мазкур Келишувнинг 5.1-бандида кўрсатилган мулкни Банкнинг розилиги билан танланган сұғурта компанияларида эҳтимолий йўқотишлардан ёки шикастланишлардан сұғурта қилиш ва Банк томонидан кредит линиясидан бутун фойдаланиш даврига белгиланган суммага ва кўринишда сұғурта қилинган ҳолатда сақлаш;

- ҳисобга олиш ва назорат тизимини, ахборотни бошқариш тизимини Банкни қондирадиган ҳолатда сақлаш ҳамда бухгалтерлик ҳисоби ва бошқа ёзувларни молиявий

ҳолатнинг тўғрилиги ва шаффоғлигини адекват тарзда акс эттирган ҳолда юритиш ва ўз амалиётларини умумий қабул қилинган ҳисобга олиш тамойилларига мувофиқ амалга ошириш;

- Молиявий таваккалчиликларни суғурта қилиш шартномаси бўйича Банк томонидан тўланган суғурта мукофоти суммасини шундай тўлов амалга оширилган санадан бошлаб \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) банк куни давомида қоплаш.

12.3. Агар мазкур Келишувнинг бир ёки бир нечта шарти Аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги якка тартибдаги шартнома шартларига мувофиқ келмаса ва/ёки уларга зид бўлса, унда Аккредитивга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари якуний деб тан олинади.

12.4. Олдиндан олинадиган розиликсиз ва АЖ «InFinBank» олдидаги барча мажбуриятлар бажарилгунга қадар бўлган даврга Буйруқ берувчи ҳисобрақамлар очмаслик, бошқа банклардан кредитлар олмаслик, ўз мулкини гаровга тақдим этмаслик, кафилликлар бермаслик, бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик ҳамда фойдани АЖ «InFinBank» нинг дастлабки ёзма розилигисиз тақсимламаслик мажбуриятини олади. Ушбу шарт бузилган тақдирда, Банк қоидабузарликнинг ҳар бир тури учун АЖ «InFinBank» дан олинадиган кредит линияси суммасининг \_\_\_\_% микдорида Буйруқ берувчидан жарима ундириш хуқуқига эга.

### **13. АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШ**

13.1. Агар бу Аккредитивга хизмат кўрсатиш шартномасида кўзда тутилмаса, Буйруқ берувчи қуидагиларни тақдим этади:

- Банк вақти-вақти билан оқилона сабабларга кўра сўраши мумкин бўлган ҳар қандай ахборотни ва Банк вакилларига Буйруқ берувчи ўз фаолиятини амалга оширадиган исталган хонага киришга ва бухгалтерлик китобларидан фойдаланишга руҳсат бериши керак;
- Буйруқ берувчининг лойиҳаси ёки фаолияти ёки амалиётларининг ва мазкур Келишувни амалга оширишга жиддий ва/ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа ёки шароитлар характеристи ёки кўламидаги ҳар қандай тахминий ўзгаришлар ҳақидаги ахборотни.

### **14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ**

14.1. Агар Буйруқ берувчи ихтиёрий ёки мажбурий равишда тарқатиб юборилган бўлса ёки банкрот ёки ночор ҳолатга (шунга қарамасдан бундай банкротлик ёки ночорлик тегишли тарзда исботланиши мумкин) тушган бўлса, аккредитив бўйича асосий тўлов ва у бўйича ҳисоблаб ёзилган воситачилик ҳақлари дарҳол бирор-бир сўров, шикоят ёки ҳар қандай турдаги хабарномасиз (мазкур Келишувнинг айрим бандлари бунга зид бўлишига қарамасдан) тўланиши керак.

### **15. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

15.1. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мазкур Келишув бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилмагани ёки тегишли тарзда бажарилмагани учун жавобгар бўладилар.

### **16. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

16.1. Мазкур Келишув томонлар тарафидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар тарафидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қиласди.

16.2. Кредит линиясидан фойдаланиш хуқуқи, яъни Буйруқ берувчининг мазкур Келишув бўйича аккредитив очишга ариза бериш хуқуқига бўлган умумий давр \_\_\_\_\_ ни ташкил қиласди.

### **17. ФОРС-МАЖОР**

17.1. Томонларнинг исталган бирига ўзининг Келишув бўйича мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажаришга халақит берадиган ҳолатлар, масалан: уруш, уруш хавфи, табиий оғатлар, иш

ташлашлар ҳамда томонлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганида, мажбуриятларни бажариш муддати ушбу ҳолатлар ва улар оқибатларининг давомийлигига тенг даврга узайтирилиши мумкин.

17.2. Агар ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари уч ойдан ортиқ давом этса, унда ҳар бир томон келишув бўйича мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ва пулларни қайтариб олиш хукукига эга. Бу ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томонга ўзининг эҳтимолий йўқотишларини компенсация қилиш бўйича шикоятларини тақдим этмайди.

17.3. Келишув бўйича мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган томон бошқа томонни дарҳол ўз мажбуриятларини бажаришга халақит берувчи ҳолатлар бошлангани хақида ёзма шаклда хабардор қилиши лозим.

17.4. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан берилган тегишли Гувоҳнома форс-мажор ҳолатлари юз берганига ва уларнинг давомийлигига далил хисобланади.

## **18. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

18.1. Мазкур Келишув бўйича барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Агар томонлар низолар ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал эта олмаса, унда низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судига кўриб чиқиш учун берилади.

## **19. БОШҚА ҚОИДАЛАР**

19.1. Мазкур Келишувга барча ўзгаришлар қўшимча келишувлар билан расмийлаштирилади.

19.2. Мазкур Келишувнинг бирор-бир банди Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ келишдан тўхтаса, бу Келишувнинг бошқа бандлари бажарилишига таъсир қилмайди ва қисқа муддатларда алмаштирилаётган банд маъноси ва мақсадларига яқин бўлган бошқа банд билан алмаштирилади.

19.3. Агар томонларнинг бирортасининг мустақил юридик шахс сифатидаги фаолияти тўхтаса, унда аввалги ёки аввалги функцияларга ўхшаш функциялар ва мажбуриятларни ўз зиммасига оловчи янги орган ёки ташкилот мазкур Келишувга кўра мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича тутатилган томоннинг хукукий вориси сифатида чиқади.

19.4. Буйруқ берувчининг хукукий вориси мавжуд бўлмаганида, Буйруқ берувчи Банкка тутатилган томоннинг гаровга қўйилган мулкидан Банк шикоятларини қондириш бўйича имтиёзли хукуқни тақдим этади.

19.5. Мазкур Келишувда кўзда тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги томонидан тартибга солинади.

19.6. Мазкур Келишув ҳар бир томонда биттадан сақланадиган ва ҳар бири юридик ҳужжат мақомига эга бўлган иккита бир хил нусхада имзоланди.

## **20. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ**

**«БАНК»:**

**«БУЙРУҚ БЕРУВЧИ»:**

«\_\_\_» \_\_\_\_ 20\_\_йилдаги  
№ \_\_ -сонли  
Бош келишувга 1-Илова



APPLICATION ON OPENING LETTER OF CREDIT No. \_\_\_\_\_ dd. \_\_\_\_\_

APPLICANT (Name, Address, Phone, Fax) <b>JV</b>	BENEFICIARY (Name, Address, Phone, Fax)
TO:	DATE AND PLACE OF EXPIRY:
PLEASE OPEN LETTER OF CREDIT: ADVICE BY:	AMOUNT (In digits and wording)
ADVISING BANK:	TERMS OF PAYMENT:
CONFIRMING BANK:	CREDIT AVAILABLE WITH/BY:
TRANSSHIPMENT / PARTIAL SHIPMENT	TRANSPORTATION FROM: TO:
DESCRIPTION OF COMMODITY AND DELIVERY:	
TERMS OF DELIVERY:	
DOCUMENT REQUIRED:	
LATEST DATE OF SHIPMENT:	
SPECIAL INSTRUCTIONS:	
DOCUMENTS TO BE PRESENTED WITHIN ____ DAYS AFTER THE DATE OF SHIPMENT BUT WITHIN THE VALIDITY OF THE CREDIT.	
WE AS APPLICANT AUTHORISE YOU TO OPEN DEPOSIT ACCOUNT UNDER THIS L/C AND DEBIT OUR ACCOUNT NUMBER _____.	
FOR COMMISSIONS DEBIT OUR ACCOUNT NUMBER and _____.	
DIRECTOR	(Signature)
Seal	
CHIEF ACCOUNTANT	(Signature)